

Date: 5<sup>th</sup> May-2026

ТИББИЙ ТАЪЛИМДА, ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИКАНИ РАҚАМЛИ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛЛАГАН ХОЛДА, КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ  
ОШИРИШ. (ГИГИЕНА ФАНИ МИСОЛИДА)

Саидова Соҳибaxon Аброржон Қизи

Тошкент Тиббиёт Академияси Фарғона филиали

“Коммунал ва меҳнат гигиена” кафедраси ассистенти

[Sokhibakxon.saidova@mail.ru](mailto:Sokhibakxon.saidova@mail.ru)

**Аннотация:** маскур мақолада тиббиёт олийгохларининг гигиена лаборатория ўқуви учун, методик ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, хусусан, умумий гигиена фани мисолида интерактив усуллардан фойдаланиб, амалиёт ва назарияни биргалида чамбарчас боғлаб рақамли технологияларни қўллаш орқали талабалар билим кўникмасини ошириш ҳақида ёритилган. Асосан бўлажаг гигиенистларнинг амалий кўникмаларни шакиллантиришга йўналтирилган машғулотлар ва уларнинг самарадорлиги таҳлил қилинган. Касбий компетентликка урғу қаратилган.

**Калит сўзи:** компетентлик, касбий компетентлик, самарадорлик, педагогик касбий компетентлик, кўникма, педагогнинг ўз устида ишлаши, умумий гигиена, педагогнинг ўз-ўзини баҳолаш, таълим, инновация, методика, интерактивлик, интеграциялаш.

**Аннотация:** В данной статье освещаются вопросы применения современных педагогических технологий в медицинских высших учебных заведениях, и рассматриваются специфические аспекты методических подходов к подготовке специалистов по общей гигиенической лабораторной практике в медицинских вузах. Обсуждается использование современных педагогических технологий в образовательном процессе, в частности, применение интерактивных методов в случае общей гигиены, использование цифровых технологий для тесной связи практики и теории, а также совершенствование знаний и навыков студентов. Основное внимание уделяется формированию практических навыков будущих гигиенистов и их эффективности.

**Ключевые слова:** компетентность профессиональная компетентность, эффективность, педагогическая профессиональная компетентность, навыки, работа педагога над собой, общая гигиена, самооценка педагога, образование, инновации, методология, интерактивность, интеграция.

**Abstract:** This article highlights the application of modern pedagogical technologies in medical higher education institutions and examines specific aspects of methodological approaches to training specialists in general hygienic laboratory practice in medical universities. The use of modern pedagogical technologies in the educational process is discussed, particularly the use of interactive methods in general hygiene, the use of digital technologies to closely link practice and theory, and the improvement of students'




Date: 5<sup>th</sup> May-2026

knowledge and skills. The focus is on developing the practical skills of future hygienists and their effectiveness.

**Key words:** competence, professional competence, efficiency, pedagogical professional competence, skills, teacher's work on himself, general hygiene, teacher's self-assessment, education, innovation, methodology, interactivity, integration.

Компетенция тушунчаси шахсга нисбатан умумийлик касб этса, компетентлик индивидуаллик характерига эгадир. Компетентликнинг асосий мезони маҳсулдор фаолият, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш натижаси билан белгиланади. “Компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари мазмунан бир хил мақсадга қаратилсада, моҳиятидан бир-биридан фарқ қилади. “Компетентлик” амалий фаолият билан боғлиқ бўлиб, тажриба орқали компетенция талабларини билим, кўникма, малака орқали намоён этиш даражаси демакдир.

*1-расм. Компетентликнинг педагогга таъсир қилувчи хусусият ва омиллари.*



Компетентликнинг ўзи, талабада умумий дунёқарашнинг кенлиги ва маданияти юқорилиги, педагогика, психология, бошқарув назарияси ва таълимни бошқаришнинг илмий сослари бўйича касбий билимларнинг мавжудлиги ўз билимларини амалиётда ривожлантриш лаёқатлилик, ижтимоий ва психологик педагог тадқиқотлар методларини билишни назарда тутди.

Таълим муассасасининг замонавий педагог компетенциясига таъсир этувчи омиллар ва хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар кадрлар компетенцияни аниқлаш ва такомиллаштиришда муҳим рол ўйнайди (1-расм).

Date: 5<sup>th</sup> May-2026

**Касбий компетентлик** – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

Мазкур ёндашув доирасида амалий фаолият тажрибаси компетенция ва компетентликни дидактик бирликлар сафида кўриб чиқиш ҳамда таълимнинг анъанавий уч элементи “Билим – кўникма – малака” ни олтига бирлик билим-кўникма-амалий фаолият тажрибаси - “компетентлик” тарзида таҳлил этилиши лозим.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

*Компетентликнинг турлари мавжуд бўлиб улар қуйидагилар:*

**1) психологик компетентлик** – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

**2) методик компетентлик** – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

**3) информацион компетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

**4) Ахборот олиш компетентлиги.** Аудио-видео кўрсатув воситалари ва ахборот технологиялари ёрдамида мустақил изланиш, таҳлил қилиш ва зарур ахборотларни танлаб олиш, уларни ўзгартириш, сақлаш ва узатиш маҳорати шакллантирилади. Ушбу компетентлик талабанинг ўқув фанлари асосларини муҳим ахборотлар асосида ўзлаштирилишини таъминлайди.

**5) креатив компетентлик** – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намоён этиш;

**6) инновацион компетентлик** – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самардорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

Педагогнинг мутахассис сифатида:

- аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараёни такомиллаштириш;
- педагогик жараён самардорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;



Date: 5<sup>th</sup> May-2026

- изчил равишда янгиланиб бораётган педагогик билимларни ўзлаштириш;
- илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш;
- фаолиятига фан-техниканинг сўнгги янгиликларини самарали тадбиқ этиш;
- касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;
- салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш йўлида олиб борадиган амалий ҳаракати унинг ўз устида ишлашини ифодалайди.

Республикамизда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда техника ва технологияларнинг янгиланаётганлиги, илм - фаннинг жадал тараққиёти мутахассис кадрлардан ўз билимларини мустақил ва мунтазам равишда чуқурлаштириб, янгилаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришни талаб этмоқда.

Ҳозирги кунда касбий компетентлигини шакллантириш муаммосини ўрганиш ишига бир қатор илмий ишлар бағишланган бўлиб, бу муаммонинг турли жиҳатлари ва аспектига олимларнинг қизиқишлари камаймаяпти, бу эса узлуксиз таълим тизимини модернизациялаш ва ривожлантиришнинг ҳозирги замон босқичида алоҳида аҳамиятга эгалигидан ва унинг долзарблигидан гувоҳлик бермоқда.

Компетентлик талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларни эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегрatív билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Тиббиёт талабаси умумий гигиена фанини узлаштиришда, интеграцияланган ҳолда билим кўникмасини узвий равишда назарияда тадбиқ этиб, ундаги муаммо ва ечимларни ахборотлаштирилган тизим орқали амалиётда қўллай билмоғи керак. Бунда меҳнат гигиенаси, коммунал гигиена, радиацион гигиена, овқатланиш гигиена, болалар ва ўсмирлар гигиенаси ҳамда ҳарбий гигиена ушбу йўналишларнинг барчаси бошқа фанларга интеграция қилинишини амалиётда кузатиш мумкин.

<sup>2</sup>Компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади. Мазкур ўринда «компетентлик» тушунчасининг моҳияти ҳам тўла очилади, у қуйидаги икки кўринишда намоён бўлади: компетентлик талабаларнинг шахсий сифатлари тўплами ҳамда касбий соҳанинг таянч талаблари сифатида. [2]

Психологлар Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гольперин ишларига таянадиган фаолиятли ёндашувни изчил амалга оширилиши олий таълим муассасасида ўқитиш мақсади сифатида ўқитиш субъектида маълум фаолиятни бажаришда касбий тайёргарликни тарбиялашни кўзда тутди. У ҳолда олий таълим муассасаларида ўқитишнинг асосий натижаси талабаларда касбий



Date: 5<sup>th</sup> May-2026

вазифаларни амалга ошириш, фаолият масалаларини ҳал этиш билимларини шакллантиришдан иборат бўлади [29, 30, 43]

Таълим жараёнида компьютер воситаларини қўллаш, компьютердан ўрганиш объекти сифатида фойдаланиш, педагогик технологияларни ахборотлаштириш жараёнининг энг янги восита ва объектлар билан ўзаро алоқада бўлиши боис техник имкониятлари ошиб боради.

Интеллектуал компетентлик деганда, билимларни қўллай олишнинг ўзига хос тури, яъни муаммоларни ҳал этишда, шу жумладан муаммоли вазиятларда ҳам, самарадор қарорлар қабул қила олиш имкониятларини таъминлай оладиган даражадаги компетентлик тушунилади. Тадқиқотчилар компетентли одамларга хос бўлган билимлар элементлари сирасига қуйидагиларни киритадилар: турлитуманлик, аниқлик ва ўзаро боғлиқлик, мослашувчанлик, муҳим жиҳатларни тез ажрата олиш, турли вазиятларда амалда қўллай олиш, муҳим таянч элементларининг мавжудлиги, бирор ишни бажара олиш бўйича амалий билимларга эгаллик.

Маълумки, анъанавий таълимда маъруза ва амалий машғулотларнинг ҳар бир ўқув фани бошқа ўқув фанларига боғлиқ ҳолда олиб борилиши талабаларда билимларнинг интегратив тарзда юзага келишига ўзининг таъсирини кўрсатиб келди. Бу эса талабаларда ижодий фикрлаш жараёни имкониятининг сустлашишига сабабчи бўлиши тажрибада кузатилган. Олий таълим муассасаларида бериладиган барча мутахассисликлар фанлари ўзида асосан фақат маълумот берувчи, ўргатувчилик функцияси билан чегараланиб қолмасдан фикрни ривожлантирувчи, интеграллаштирувчи, тарбияловчи функцияларига ҳам эгадир.

Бундан ташқари, амалга оширилаётган ишлар тузилишига кўра бир нечта билимларнинг интеграцияси, ўзаро алоқадорлиги ва ундан фойдаланиш методикасини ўз ичига олади. Профессор Т.Р.Толаганов ўз тадқиқотларида, – «Талаба ҳар доим ўқув материални назарий ва амалий ўзаро боғлиқ бўлган диалогда қатнашади, чунки ўқув материалга мувофиқ хулоса чиқариши учун у ўзининг билимлар блокига тез-тез мурожаат қилиб туради», – деб таъкидлаган [21]. Ҳар бир талаба имкониятига, асосан билимга бўлган интилишига кўра ўзининг ахборот майдонига эга бўлади. Бу билимлар тузилмасига кўра, техник ва технологик мазмундаги, психологик педагогик, фалсафий, физик-математик ҳамда бошқа кўринишдаги билимлар тўплами бўлиб, талаба қайси йўналишга мос билимлар кераклигига таянган ҳолда, шу мазмундаги билимларни ахборот майдонидан ажратади. Бу билимларни чуқурлаштириб талаб қилинган мақсадда фойдаланишга ҳаракат қилади.

<sup>1</sup>Б.Х.Ходжаев. Умумий педагогика. - Т.: "Сано-стан-дарт" 2017, 86 б.

<sup>2</sup>Муслимов Н.А., П.Ф.Д, профессор ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: "Фан ва технология" нашриёти, 2013



Date: 5<sup>th</sup> May-2026

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни. – <https://lex.uz/docs/5013007>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. - <https://lex.uz/docs/3107036>
3. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. - Т.: “Ўқитувчи”, 2001. 34-35 бетлар
4. Ходжаев Б. Умумий педагогика. - Т.: “Сано-стандарт”, 2017 й.
5. Мусурмонова О. Педагогик технологиялар таълим самарадорлигининг муҳим омили. - Т.: “Ёшлар ташкилоти”, 2020.
6. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
7. Муслимов Н.А., П.Ф.Д, профессор ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013

